



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2020 йил 17 март, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 39 [14.090]

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қурилиш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, қурилишнинг барча босқичларида шаффофликни таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: а) қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2028 йил 31 декабрга қадар шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир** миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда, шу жумладан, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш босқичида 1-иловада келтирилган **ҳорижий норматив ҳужжатлар қўлланишга рўхсат этилади:**

маҳаллий лойиҳа-қидирув ташкилотларини жалб этган ва миллий норматив ҳужжатларга номуаносиб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни ишлаб чиққан ҳолда, хорижий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларининг мослаштирилиши;

зарур ҳолларда мослаштирилган лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқиш учун ваколатли орган томонидан жалб қилинган мустақил хорижий мутахассислар ва консултантлар хизматлари учун тўлов харажатлари, ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларидан қатъий назар, буюртмачи (инвестор) томонидан қопланиши;

б) 2020 йил 1 июлдан: солиқ ва статистика хисоботлари маълумотлари (иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мута-

хассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар) асосида автоматик тарзда шаклландирилган **лойиҳа-қидирув ташкилотларининг электрон рейтинг жорий этилади;**

в) 2020 йил 1 сентябрдан: солиқ ва статистика хисоботлари маълумотлари (иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси маълумотлари (қурилиши тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси ҳамда бошқа мезонлар) асосида қурилиш ишлари ҳажми ва объектларига мувофиқ табақалаштирилган ҳолда автоматик тарзда шакллантириладиган **қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтинг жорий этилади;**

г) 2021 йил 1 январдан: **қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомиллари, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг харид тартиб-таомилларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини баҳолашда уларнинг электрон рейтинг маълумотларидан фойдаланиш ва бошқа электрон тизимлар билан интеграциялаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, электрон шаклда онлайн режимида амалга оширилади;**

қурилиш соҳасида ўтказиладиган давлат харидларида **электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар** (иш тажрибаси, молиявий барқарорлиги, штатида малакали ходимларнинг мавжудлиги ва бошқа мезонлар) бўйича **ижобий кўрсаткичларга эга бўлган** лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг иштирок этишига йўл қўйилади;

давлат харидларида иштирок этиш учун **рухсат беришда электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг дастлабки малакавий баҳолашдан ўтиши, шунингдек, таллов (тендер) ҳужжатларининг умумий ва техник қисмларини тақдим этиши талаб этилмайди;**

давлат буюртмачилари ва давлат харид субъектлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари **комплекс экспертиза ўтказиш учун белгиланган мuddатларда энергия самарадорлиги талабларига мувофиқлиги бўйича мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт;**

қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомилларида **голиб деб топилган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ишлар (хизматлар) нарҳининг камида ўттиз фоизини ўз кучи билан бажариши бўйича талаб жорий этилади.**

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наврўз байрами муносабати билан юртимизда ўтказилган умумхалқ хашари доирасида Қарши шаҳридаги Шўҳрат кўргони ҳудудида "Яшил Ватаним" экологик акцияси бўлиб ўтди. Экоҳашарда вилоят секторлари раҳбарлари, бир гуруҳ етакчи ёшлар, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, "Қашқадарё худудгаз", "Қашқадарё худудий электр тармоқлари" корхоналари вакиллари ва она табиатга бефарқ бўлмаган бошқа фуқаролар фаол иштирок этди.

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши томонидан "Депутатнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари" мавзусида сиёсий ўқув ташкил этилди. Тадбирда депутатларнинг ҳуқуқ, мажбурият ва ваколатлари ҳамда депутатлар билан партия ташкилотларининг мустақам ҳамкорлик алоқасини янада кучайтириш каби долзарб вазифалар ҳақида сўз борди. Депутатларнинг профессионал савияси, ҳуқуқий саводхонлиги, уларнинг депутатлик фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш ўқиқларини бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги қайд этиб ўтилди.

● Андижон шаҳрида инновацион нодавлат мактабгача таълим муассасаси иш бошлади. Тадбиркор Абдулхамид Каримов саъй-ҳаракати билан барпо этилган ушбу маскан болажонлар, ота-оналар учун ҳақиқий байрам тўғриси бўлди. 150 ўринга мўлжалланган ушбу инновацион муассасада болаларни мактабга тайёрлаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ҳар жиҳатдан етуқ ва баркамол вояга етишлари учун барча зарур шароит яратилган. Эътиборлиси, икки қаватли замонавий бинонинг ҳар бир хонаси маълум фанга, касбга йўналтирилган ҳолда дид билан, қизиқарли маълумотлар асосида жиҳозланган. Муассасанинг ишга тушиши билан 25 та янги иш ўрни яратилди.

● Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги Илғор маҳалласи ҳудудидаги фойдаланилмай, қаровсиз ётган 91,4 гектар ер майдони ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги кооперативи йўлга қўйилди. Бунинг учун "Grand green gluster tomorrow xizmati" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, дастлаб ер майдони жамият тасарруфига берилди. 15 гектар тайёр майдон "Сурхон Ангор фрутс қишлоқ хўжалиги" ишлаб чиқариш кооперативига ўтказилди. Шу асосда юздан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

ЖАҲОНДА

● Финляндия ва Швейцария коронавирус эпидемияси сабабли фавкулдда ҳолат эълон қилди. Швейцария бир қатор карантин чора-тадбирларини ва чегараларда назоратни жорий қилмоқда. Финляндияда ҳам коронавирус пандемиясига қарши бир қатор қўшимча чоралар кўрилмоқда.

● Вирус Африкага ёйила бошлади, Россияда беморлар сони ошиб бормоқда. Сўнгги бир кун ичида коронавирус юқтирганлар сонидан жиддий ўсиш кузатилди ва айна вақтда беморлар сони 93 кишини ташкил қилмоқда.

● Сингапур Хитойга яқин бўлишига қарамасдан коронавирус тарқалишига қарши самарали курашмоқда. Бунинг сабаби – касаликка чалиниш билан боғлиқ барча ҳолатларни кузатиб бориш ва диагностика тизимларини зудлик билан жорий этиш. Таниқли генетик Спенсер Уэллснинг айтишича Сингапур ҳукумати коронавируснинг асл хавфини тезлик билан англади ва унга қарши курашиш чораларини кўрди.

КОРОНАВИРУС: ВАҲИМАГА СИРА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Озиқ-овқат саноатида 12 мингдан зиёд корхона ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ЭНГ КАТТА ҲИССАСИ БУ – ЯҚДИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДИР

Коронавирусга қарши курашиш бўйича ҳукуматимиз қатъий ва зарур чораларни кўрмоқда. Давлат ўз зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажармоқда ва мушкул бўлса-да, муҳим қарорлар қабул қилинмоқда.

Энди эса навбат бизга — фуқароларга

Антикризис бошқаруving энг асосий қисми — ҳар бир фуқаронинг масъулият билан, ушбу мушкул жараёнларга дахлдор бўлиб, ҳисса қўшишга тайёрлигидир.

Ҳар биримиздан фақатгина ўзимиз ва оила аъзоларимизнигина эмас, бутун жамиятимиз манфаатларини ҳисобга олишимиз, бир-биримизга ва давлатга елкадош бўлишимиз талаб қилинади.

Фуқаролар нима қилиши керак?

— Антикризис бошқарувни амалга оширишдаги энг асосий мувофиқлаштирувчи бўлган ҳукуматнинг барча талаб ва тавсияларига қатъий риоя қилиш;

— бир неча ойлик озиқ-овқат ва истеъмол товарларини гамлаб қўйишдан қочиб, фақатгина яқин кунлар истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулотларни харид қилиш;

— врачлик ёки тиббий малакага эга

бўлган, ҳозирда бошқа фаолият билан банд бўлган мутахассисларнинг шифоналарга кўнгилли сифатда ёрдамга тайёрлиги;

— иш берувчилар мазкур жараёнлар оқибатида ноқулайликларга дуч келадиган ходимларига етарли шарт-шароитларни яратиб бериши (боғчалар ва мактаблар фаолиятининг тўхтатилиши билан боғлиқ);

— ушбу жамиятдан даромад топаётган тадбиркорлар, чакана савдо ва хизмат кўрсатувчилар асосида равишда нарх-навоини ошириш ёки сунъий тақчиллик ҳосил қилиш орқали яна шу жамиятни алдашдан қочишлари, муҳтож инсонларга, айниқса кексаларга гамхўрлик қилишлари керак;

— ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишларга кўмаклашиш (кўплаб давлатларда фуқаролар дезинфекция ишлари ва изоляцияда қолганларга маҳсулот етказиб бериш ишларига кўнгиллилик асосида кўмаклашиб келишмоқда);

— яқинлар, айниқса қариялар ҳолидан телефон орқали хабардор бўлиб туриш (тўғридан-тўғри ташрифларда эса ҳимоя воситаларидан фойдаланиш);

— эълон қилинаётган янгиликлардан хабардор бўлиб туриш, фақат расмий хабарларга таяниб иш тутиш;

— ва албатта, ваҳимага тушмаслик, ваҳима уйғотувчи маълумотларни тарқатишдан чекланиш керак. Бизнинг бугунги ваҳимамиз бумеранг каби албатта ўзимизга қайтиб келади. Бир фуқаро салфеткалар ва антисептикларни юз доналаб харид қилса, бошқа бир фуқаро эса қоллаб ун ва шакарни гамлаб қўяётган бўлса, охири-оқибати бирига ун ва шакар бирига эса салфетка етмаслигига олиб келиши мумкин. Биз бу билан фақат ўзимизга зарар етказамиз.

Бундай вазиятда ҳар бир фуқаронинг энг катта ҳиссаси бу — оғир босиқлик, яқдиллик ва ҳамжиҳатликдир.

Бобур БЕКМУРОДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутати

ЭПИДЕМИЯ ҲОЛАТИДА ЭНГ МУҲИМИ АҲОЛИГА АНИҚ, ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАРНИ БЕРИБ ТУРИШ

Шу кунларда бутун дунёда катта таҳдидга айланган коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасида ҳукуматимиз томонидан ишончли ҳамда тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1003 рақами билан "Call-markaz" фаолияти йўлга қўйилди. Бугуннинг ўзида марказга соат 15:00 га қадар 11 мингдан ортиқ мурожаат бўлган.

— Кўп мамлакатлар тажрибасидан кўриб турибмизки, эпидемия бўлган ҳолатларда энг муҳими, аҳолига объек-

тив тўғри маълумотларни бериб туриш, — деди соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов. — Шу нуқтаи назардан ҳар бир ҳолат, касаллар, карантинга олинганлар сони бўйича мунтазам очиқ маълумотлар бериб бораётишимиз. Фаолияти йўлга қўйилган "Call-markaz"имизга аҳоли мурожаат қилаётган. Уларни қизиқтираётган саволларга мутахассисларимиз томонидан 24 соат давомида жавоб берилмоқда.

Шунингдек, АОКА билан ҳамкорликда янги телеграм каналини ҳам очдик.

ЎЗА

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚЧИЛЛИГИ БЎЛМАЙДИ

Бугунги кунда ушбу корхоналар ўз режимида ишламоқда. Корхоналарнинг аксариятида иш 1 сменада ташкил этилган ва қувватларнинг 70 фоизидан фойдаланилмоқда. Уларда яна қўшимча 30 фоиз қувватни ишга солиш ва ишни 2 сменада йўлга қўйиш имкониятлари мавжуд.

Мамлакатимизда 98 фоиз озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллийлаштирилган. Деярли барча хом ашё юртимизда етиштирилади. Четдан фақат какао ва қаҳва донлари, қилтурс мевалар каби маҳсулотлар импорт қилинади.

Шундай экан, озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлайди ёки тақчиллик бўлиши мумкин, деган хавотирга асло ўрин йўқ.

"Ўзбекизоқовқатхолдинг" компанияси Ахборот хизмати

Бугунги кунда бутун дунёда тарқалаётган коронавирусга қарши курашиш борасида мамлакатимизда ҳам муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Бош вазир бошчилигида бўлиб ўтган мажлисда аниқ масалалар қўйилди.

НАРҲЛАРНИ АСОСИЗ ОШИРГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

Биринчи навбатда, бу — ваҳимага тушмаслик. Ушбу касаллик бугун пайдо бўлгани йўқ. Лекин ўтган икки ой давомида биронта маҳсулот нархи ошди ми ёки нарх ошишига бирор бир омил таъсир қилди ми? Ҳеч қандай таъсир бўлгани йўқ. Лекин асосий ваҳимага тушмаслик лозим. Тасаввур қилинг, одамлар бориб аслида икки килограмм гуруч керак бўлса-да, ҳамма Шундай йўл тўтса, табиийки, нарх ошиши мумкин. Шунинг учун солиқ органлари ҳамда прокуратура ҳузуридаги департамент ходимлари билан биргаликда доимий ишлайдиган махсус штаб тузилиб, ҳар бир бозорда вазият назоратга олинди.

Тўғри, шунга қарамасдан, айрим тадбиркорлар бундай манфаат кўришга ҳаракат қилишлари мум-

кин. Чунки беш қўл баробар эмас. Шу боис озиқ-овқат маҳсулотлари билан шуғулланувчи тадбиркорлар субъектлари фаолияти таҳлил қилиб борилади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати — амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, мабодо бирор-бир тадбиркор халқнинг дардини эмас, шахсий манфаатини кўзлайдиган бўлса, уларга нисбатан жавобгарлик қўлланилишини эслатиб ўтиш жоиз. Бундай ҳолатлар кузатишган тақдирда фуқаролар солиқ органларининг "Ишонч телефонлари"га мурожаат қилишлари сўралади.

Бехўд МУСАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳрида хусусий тадбиркорлик субъектларини буюртмачи функциясини бажаришга жалб қилиш бўйича эксперимент (кейинги ўринларда – эксперимент) ўтказиш тўғрисидаги қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифига розилик берилсин:

Тошкент шаҳрида 2021-2022 йилларда лойиҳалаштирилиши ва қурилиши режалаштирилган 10 та қурилиш объектини танлаб олиш;

энг яхши тақлифларни танлаб олиш натижаларига кўра хусусий тадбиркорлик субъектларини билан инжиниринг хизматларини кўрсатиш(шу жумладан, техник назорат ва лойиҳа бошқаруви) юзасидан шартнома-лар имзолаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан экспериментда иштирок этувчи қурилиш объектларини ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатининг тасдиқланиши.

Белгилаб қўйилсинки, эксперимент танлаб олинган объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари аяқланиб, улар фойдаланишга топширилганига қадар амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошида давлат муассасаси шаклида Қурилишда техник меъёрлаш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қурилишда меъёрлаш тизимидаги ва инновацион технологияларни жорий қилишдаги муаммоларни ўрганиб бориш;

қурилиш соҳасидаги халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миллий норматив ҳужжатларни улар билан уйғунлаштириш;

бинолар, иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементларига бўлган хавфсизлик талабларини, шунингдек, бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

норматив, шу жумладан, хорижий ҳужжатларнинг илмий-техник кутубхонаси ва электрон базасини ташкил қилиш ва юритиш;

хорижий ва халқаро ташкилотлар, консултантлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларни миллий норматив ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга жалб қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш марказининг бошқарув ходимлари чекланган сони 20 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки: Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, ХМИ/ХХМТнинг техник кўмак маблағлари (грантлари) ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказ штат бирликлари тегишли вазирлик ва идораларнинг бошқарув ходимларини 2020 йилда мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги икки ой мuddатда 2020–2023 йилларда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқласин.

Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш доирасида:

миллий норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш қурилиш соҳасида тажрибага эга бўлган хорижий компанияларни жалб этган ҳолда амалга оширилади;

тармоқ вазирликлари ва идоралари ишлаб чиқилган ва қайта кўриб чиқилган норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни тасдиқлашдан олдин уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига келишиш учун мажбурий тартибда киритилишини таъминлайди;

тегишли вазирлик ва идораларга ажратиладиган бюджет маблағларига қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш ишларининг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

7. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни ислоҳ қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) 3-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Раматов): вазирлик ва идораларнинг норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш фаолияти мувофиқлаштирилишини;

вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлар, шу жумладан, техник топшириқлар ва танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта кўриб чиқиш бўйича йиллик ва узоқ мuddатли дастурлари келишилиши ва уларнинг ижроси устидан тизимли мониторинг ўрнатилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: бир ой мuddатда қурилиш тармоғини ислоҳ қилиш, шу жумладан, миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида халқаро экспертлар ва консултантларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига амалий ёрдам кўрсатсин;

2020 йилда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш, шунингдек, халқаро экспертлар ва консултантлар хизматлари тўловини амалга ошириш учун бир ой мuddатда Қурилиш вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15 миллиард сўм ажратилишини таъминласин;

2021–2023 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун зарур бўлган маблағларни ажратишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги уч ой мuddатда илгор хорижий тажриба асосида, бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг турлари ва бошқа мезонларга қараб минимал талабларни табақалаштирган ҳолда қурилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид меъёрларни такомиллаштириш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қурилиш вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш кўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибининг, шу жумладан, лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва муқаммал таъмирлашда харид ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича талабларни такомиллаштиришга доир тақлиф-

ларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги: а) 2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтларини жалб этган ҳолда қуйидагилар ишлаб чиқилишини таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасини модернизациялаш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2020–2025 йилларга мўлжалланган стратегияси; шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларга номуносив бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни келишиш ва тасдиқлаш тартибини;

“fast-track” усули (бир вақтинг ўзида лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан “тайёр ҳолда топшириш” шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида объектларни қуришга рухсат бериш тартибини;

б) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳуқуқат қарорлари лойиҳаларини киритсин: икки ой мuddатда – экспериментда иштирок этаётган қурилиш объектлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тасдиқлаш ҳақида;

эксперимент натижасидан келиб чиқиб ҳамда илгор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда – марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган ва буюртмачи функциясини хусусий тадбиркорлик субъектларини бажарадиган объектлар қурилишини ташкил қилиш ва молиялаштириш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар қошидаги қурилиш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачи хизматлари фаолиятини ислоҳ қилиш ҳақида;

в) Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 майга қадар кўп квартирали уйлари улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда қуйидаги талабларни ўрнатиш назарда тутилсин:

улуш киритиш асосида уй-жойларни қуриш учун маблағларни жалб этишдан аввал келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг мавжуд бўлиши, қурувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамларида жамланадиган улуш қўшганларнинг маблағларидан мақсадсиз фойдаланишни чеклаб қўйиш;

қурилишда улуш киритиш асосида иштирок этиш бўйича шартномаларни мажбурий тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш учун маблағларни жалб этиш учун қурилиш ташкилотларининг ягона реестрини юритиш;

г) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон муҳандислар-консултантлар уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар касбга мувофиқлик сертификатлари берилишини таъминлаган ҳолда қурилиш соҳаси ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича қисқа мuddатли ўқув курсларини ташкил этсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини яратиш доирасида:

2020 йил 1 апрелга қадар лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар рўйхатини аниқласин ҳамда уларни вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдим этиш тартиби белгилансин;

электрон рейтингларни жорий этиш учун ўрнатилган мuddатларда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган ҳолда зарур дастурий таъминотни ишлаб чиқсин;

е) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ж) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов – мазкур Фармоннинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини таъминласин, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажаришган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ж.А.Кўчқоров – қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибларига илгор хорижий тажрибани жорий қилинишини, шунингдек, миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И.Закиров – лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари, идоравий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда қурилиш соҳасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги меъёрларини такомиллаштириш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ш.С.Хидоятлов – барча миллий норматив ҳужжатларнинг босқичма-босқич ва сифатли ишлаб чиқилиши ва қайта кўриб чиқилишини, қурилиш соҳасига, шу жумладан, харид тартиб-таомилларига илгор ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчқоров, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Д.Хаджаев – мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид брифинглар, пресс-конференциялар ташкил этиб, мақолалар ва тематик телекўрсатувлар эълон қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 март

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан “Трансформация: иқтисодиётда давлат иштирокини кескин камайитириш” мавзусига бағишланган давра суҳбатида айтилди.

ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР 81 ФОИЗГА КАМАЙТИРИЛАДИ

Тадбирда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, мутасадди вазирлик ва идоралар, йирик хўжалик жамиятлари, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки экспертлари, компаниялар ва қимматли қўғозлар бозори иштирокчилари қатнашди. Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида давлат улушига эга 3 мингга яқин корхона инвентаризация қилиш зарурлиги ҳамда хусусий сектор ва рақобат ривожланаётган соҳаларда давлатнинг иштирокини кескин камайитириш чора-тадбирларини амалга ошириш вазифаси аниқ белгилаб қўйилган.

Белгиланган вазифалар доирасида ишчи гуруҳлар тузилиб, 2 минг 965 та давлат иштирокидаги корхона фаолияти танқидий ўрганилди ва тақлифлар шакллантирилди.

– Бугунги тадбир учта асосий ҳужжат лойиҳасини муҳо-

кама қилиш мақсадида ташкил этилди, – дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи Бахтиёр Ҳайдаров. – Ушбу ҳужжатлар билан 2020–2025 йилларда Давлат иштирокидаги корхоналарга эгалик қилиш, уларни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси тасдиқланмоқда. Бу стратегия хорижий давлатлар стратегиясини ўрганган ҳолда халқаро молия ташкилотлари билан бирга ишлаб чиқилди. Стратегияда бир қатор аниқликлар кўзда тутилган. Хусусан, иқтисодиётдаги давлат иштирокининг аниқ мезонлари белгиланмоқда.

Тадбирда давлат иштирокидаги корхоналарни 81 фоизга камайитириш, давлат унитар корхоналарини 96 фоизга қисқартириш, 20 та жамиятда IPO ўтказиш, кузатув кенгаши мустақил аъзолари сонини 20 фоизгача кўпайтириш кутилаётгани қайд этилди.

Ш.МАМАТУРОВА

КОРОНАВИРУС: ВАҲИМАГА СИРА ҲОЖАТ ЙЎҚ КАСАЛЛИКНИ ОЧКИНИ ОЛИШИНИНГ ЗАРУР ШАРТЛАРИ

Коронавирусга чалиниш хавфини пасайтириш учун ниқоб тақиб юриш лозим. Қўл бериб кўришиш, қучоқлашиш ва ўпишиш асло керак эмас, шунингдек, жамоат транспортларида кетаётганда бошқа йўловчи билан юзма-юз туриб қолмаслик керак, дейди россиялик эксперт, тиббиёт фанлари доктори Борис Ревич РИА новости муҳбири билан суҳбатда.

“Вирус ҳаво-томчи йўли билан юқади, шу боис ниқоб тақиб юришни унчалик хушлама-

самда ҳамда самараси кам бўлишига қарамай, барибир уни тақиб юриш керак. Аммо, ниқобдан фойдаланиш юрак хасталигига дуч келган кишилар ёки кексалар учун жуда мураккаб масала, чунки ниқоб бундай одамларнинг нафас олишини қийинлаштиради. Агар ниқобингиз бўлмаса, ҳеч бўлмаганда шарфингиз билан юзингизни беркитиб юрсангиз бўлади, – дейди эксперт. Унинг таъкидлашича, баъзи бир ниқоблар бир

соатта, айримлари тўрт соатгача самара беради. “Танишингизни кўргангизда қучоқлаб ёки ўпишиб кўришманг. Яхшиши, ўртада маълум масофа сақланг. Жамоат транспортда, масалан, метрода кетаётганда бошқа йўловчи билан имкон қадар юзма-юз туриб қолманг”, – қўшимча қилди у.

Докторнинг таъкидлашича, бошқаларга вирус юқтирмашлик учун, йўталганда қафт билан оғизни бекитиш лозим.

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортидан Президентимизнинг алоҳида кўрсатмасига мувофиқ, коронавируслик олдини олиш чора-тадбирларига кўмаклашиш мақсадида Эрон Ислон Республикасига инсонпарварлик ёрдами юборилди.

ЭРОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Бу ҳақда 2020 йил 12 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши имзоланган эди.

– Эрон Ислон Республикаси ҳуқуқати Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга янги коронавируслик “COVID-19” касаллиги тарқалишини бартараф этиш учун зарур бўлган тиббий буюмлар ва воситалар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан мурожаат қилган эди, – деди Фавкулда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати ходими Самандар Ҳикматуллаев.

– Давлатимиз раҳбарининг топширигига асосан Эроннинг ушбу мурожаатини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мазкур инфекцияга қарши курашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни қучайтириш мақсадида стерил тиббий қўлқоплар, химия

қилувчи комбинезонлар, махсус тиббий формалар, ниқоблар, доқа, спирт, гигиеник геллар ва дори воситалари сингари умумий оғирлиги қарийб етти тоннага яқин бўлган тиббий буюмлар – инсонпарварлик ёрдами юборилди.

Фавкулдада вазиятлар вазирлиги инсонпарварлик юқини шакллантириш ва етказиб бериш учун масъул этиб белгиланган. Юқини кузатиб бориш ва топшириш учун Эронга вазирликнинг икки нафар харбий врачлари – мутахассислар жўнаб кетди.

– Ҳаёт кундонли ва қайғули кунлардан иборат, – деди Эрон Ислон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Ҳамид Наерабади. – Коронавируслик жаҳон бўйлаб тарқалиши ҳам дунё халқлари учун катта синов. Бу бўҳронли кунларда бир-биримизга ҳамдард,

елкадош бўлишимиз керак. Мамлакатларимиз маданиятида умумий тушунча бор: ҳақиқий дўст бошга оғир кун тушганда, ғаму шодликларда бирга қарийб етти тоннага яқин бўлган тиббий буюмлар – инсонпарварлик ёрдами юборилди. Гуманитар юк таркибид тиббий йўналишдаги энг зарур маҳсулотлар – бир марталик стерил тиббий қўлқоплар, химия қилувчи комбинезонлар, юз учун филтэрловчи ниқоблар бор эди. Шунингдек, 3 март кунини ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг биродар Хитой халқига дўстона ёрдамнинг иккинчи лартияси – “Ўзтўқимачиликсоаноат” уюшмаси корхоналари томонидан тайёрланган махсус тиббий кийимлар, тиббий ниқоблар ва тиббий доклар жўнатилди.

Ташувчи хайдовчи, шунингдек, тадбиркорлар, талабалар – жами 31 нафар ватандошимиз олиб келинади. Улар ва самолёт экипажи аъзолари қайтиб келгач, белгиланган тартибда малакали шифокорлар, соҳа мутахассислари назорати остида икки ҳафта карантинда сақланади. Маълумки, Президентимизнинг жорий йил 11 февралдаги Хитой Халқ Республикасига инсонпарварлик ёрдамини юбориш тўғрисидаги фармойишига биноан 12 февралда Хитой Халқ Республикасининг Хубей провинциясига инсонпарварлик ёрдами юборилди. Гуманитар юк таркибид тиббий йўналишдаги энг зарур маҳсулотлар – бир марталик стерил тиббий қўлқоплар, химия қилувчи комбинезонлар, юз учун филтэрловчи ниқоблар бор эди. Шунингдек, 3 март кунини ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг биродар Хитой халқига дўстона ёрдамнинг иккинчи лартияси – “Ўзтўқимачиликсоаноат” уюшмаси корхоналари томонидан тайёрланган махсус тиббий кийимлар, тиббий ниқоблар ва тиббий доклар жўнатилди.

Хуриш КОДИРОВ, ЎЗА муҳбири

Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви 1962 йилда ташкил этилган бўлиб, архивда ҳозирги кунда 300.000 яқин ҳужжатлар сақланади. Шулардан 20000 таси алоҳида қимматли ҳужжатлар рўйхатига киритилган.

МОЗИЙНИ МУҲРЛАГАН АЁЛ

Бундан ташқари, архивимизда атоқли олимлар, ар-хивнинг ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшган инсонларнинг шахсий фондлари ҳам мавжуд. Шундай фондлардан бири Раъно Халилова Мирзохидов-нанинг шахсий фондидир.

Раъно Халилованинг касби асли шифокор бўли-шига қарамай, у узоқ йиллар давомида архив дирек-тори лавозимида ишлаган фидойи инсонлардан бири. Ҳозирги кунда Р.Халилованинг ёзган кўплаб мақола-лари архивда сақланмоқда. Мақолалар ичидан мени ўзига жалб қилган мақола бу Иккинчи жаҳон уруши даврида Тошкент шаҳрида тарқалган эпидемиянинг олдинчи олишда шифокорларнинг кўрсатган фидойи-лиги ҳақида ёзилган мақола бўлди. Шу мақолани си-зинг эътиборингизга ҳавола этишни лозим кўрдим.

Урушнинг бошланғич даврида Тошкентда қорин тер-ламаси, паратиф каби юқумли касалликлар кўпайди. Бу биринчи навбатда фашистлар ақкулация қилган ва фронт атрофи территорияларидан эвакуация қилинган аҳолининг шаҳарга келиши билан боғлиқ. Одамларнинг шахримизга бир неча қўйлаб, ҳатто ойлаб юриб келганлиги сабабли, озиқ-овқат етарли бўлмагани учун, ўзининг гигиенасига аҳамият бериш-га имкони бўлмаганлиги сабабли, буларнинг ҳамма-си инфекциянинг кўпайишига олиб келган. Айниқса 1941 йил декабрдан 1942 йил майгача шаҳарда оғир эпидемия ҳолати бўлган. Эпидемия касаллик-лари қарши курашда шовишнинг чоралар кўрилган. Тошкент ахлат ва маиший чикиндилардан тозалан-ган. Ташкилотларда санитарияни бузувчилар ва ўз территориясида антисанитарияга йўл қўйган раҳбар-ларга пул жарималари солинган. Шаҳарнинг 400 минг кишига яқин аҳолиси ва эвакуация қилинганлар қорин терламаси ва паратифга қарши эмланганлар. Эпи-демик беморларни госпиталга ётқизиш яхши ташкил этилган. Шаҳарнинг театр ва кинозалларида врач-лар меда-ичак инфекциясига бағишланган суҳбатлар билан чиққанлар. Ушбу инфекцияларга қарши суҳ-батлар радиода мунтазам бериб турилган. Киноте-атрларда қорин терламаси ва дизентерияни аниқ-лаш ва даволаш бўйича илмий-оммабоп фильмлар кўрсатилган. Шаҳар аҳолисига меда-ичак инфекция-лари, пашшага қарши кураш, дизентекция қилиш чоралари ҳақида минглаб брошюра ва варақалар тар-қатилган.

Барча чоралар ўзининг ижобий натижасини кўрсат-ди. 1942 йилнинг июнидаёқ Тошкентда ҳаммаси бўлиб 129 касаллик воқеаси тошмали терлама учради, бу эса шу йилнинг май ойига қараганда 81 фоиз кам эди. Паратиф билан 17 киши оғриди. Бошқа юқумли касалликлар бўйича ҳам муваффақиятларга эришил-ди. 2 ёшгача болалар орасида эса 1941 йилнинг охи-ридаёқ 1940 йилга қараганда меда-ичак касаллик-лари 23 фоизга камайган. Врачларнинг ва бошқа тиб-биёт ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон поштайти Тошкент уруш йўлдоши даҳшат-ли эпидемиядан кутулган.

Амалга оширилган бундай ишлар йиллар ўтса-да унутилмайди. Фидокорона хизматлар, фидойи инсон-лар доимо ёдимда.

С. КУЧКАРЕВА,
Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви катта илмий ходими

Бир вақтлар хонадонларнинг почтаси доим газета ва журналларга тўла бўларди. Давр тақозоси билан эндиликда босма нашрлар ўрнини электрон оммавий ахборот воситалари, интернет медиа тузилмалар эгаллаётгани барчага аён. Бироқ замон қанчалик шиддат билан тараққий этмасин, барибир ростмана мутлола, китоб, газета ва журнал ўқишининг ҳам гашти бошқа.

Мамлакатимизда болалар учун бир қатор босма даврий нашрлар чоп этилади. Ўзбе-кистон Республикаси болалар ва ўсмирлар газетаси бўлиши "Тонг юлдузи" уларнинг бири. Кўп йиллар аввал "Ленин учқун" номи билан чоп этилган ушбу газета 90 йил-дан ортиқ тарихга эга. Мазкур нашр бугунги кунда юртимизда кечаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини қай тарзда ёш авлодга етказаяпти? Унинг муаммолари нималардан иборат? Шу каби саволлар билан мазкур га-зета бош муҳаррири Феруза ОДИЛОВАга мурожаат этдик.

Президентимизнинг 2017 йил 11 авгу-стдаги "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқа-рувчи янада такомиллаштириш тўғрисида" ги фармони ва 2017 йил 17 августдаги "Ўзбе-кистон Матбуот ва ахборот агентлиги фа-лиятини янада такомиллаштириш тўғриси-да" ги қарорига мувофиқ, ўз ҳисоб рақами-миз ва муҳримизга эга бўлди. 2017 йил 10 октябрда давлат қорхонаси бўлиб рўйхатдан ўтди.

Газетанинг барча сониде мамлакатимиз-да кечаётган ислохотлар, айниқса, давлат-тимиз раҳбари томонидан илгари сурил-ган беш ташаббуснинг моҳияти, унинг до-ирасида жойларда амалга оширилаётган ишларни болалар учун содда, раво, од-дий тарзда етказишга аҳамият қаратилмоқ-да. Газета болаларни мутлолага қизиқти-ришининг муҳим воситаларидан саналади. Шу сабабли бу борада бевосита таълим даргоҳлари, ўқитувчилар, тўғарақ раҳбар-лари, ота-оналар билан биргаликда иш олиб боришга, болалар учун қизиқарли мавзуларни танлашга катта аҳамият қар-атилмоқда.

Саҳифаларимизда янгиланаётган Ўзбеки-стоннинг янгиланаётган мактаблари, жу-младан, Президент мактаблари, ижод мактаб-лари, ихтисослаштирилган билим даргоҳла-ри, улардаги таълим жараёни ҳақида им-кон қадар кўпроқ материаллар бериб бо-рилмақда.

Еритилаётган материаллар орқали болаларнинг билим олишга, ҳам мутлолага бўлган

қизиқишининг ортиси шубҳасиз. Шу билан бирга турли ижодий танловлар ташкил этиб, болаларни ўқишга бўлган интилишини кучайтиришга, дунёқарашини кенгайтиришга интилоқдамиз. Масалан, "Ким кўп китоб ўқийди" ижодий танлови ўқувчи-ёшларни китоб ўқишга бўлган иштиёқини оширишни кўзлайди. "Бойликларни болаликдан асран" номли танлов электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви каби бойликларнинг қадрига етишга, уларни исроф этмасликка ундайди. "Онажоним – табиат", "Дунё болалар ниго-ҳида" каби танловларга ҳам болаларнинг

қизиқишини катта бўлмақда. Фолибларни тақ-дирлашда имкон қадар мактабларнинг ўзига бориб болалар, уларда китобларга ҳавас уй-ғота олган устозлари билан бирга рағбат-лантирилмоқда.

Газетадаги айрим мавзулар ёш авлод таъ-лим-тарбияси билан бевосита боғлиқ бўл-гани сабабли "Ота-онанинг билан бирга ўқинг", "Устозингиз билан биргаликда ўқинг" каби руқналар остида ёшлар тарбия-си, уларнинг ўқишга бўлган муносабатига оид мақолалар доимий бериб борилади. Ёш газетхонларнинг мутлола орқали она тили ва адабиёт, ҳуқуқ, инглиз тили ва бошқа фанларга бўлган қизиқишини кучайтириш-га катта эътибор қаратилган. "Аълочининг бир қуни" руқни ўқишда муайян ютуқларга эришган ўқувчилар ҳақида ҳикоя қилса, "Менда таклиф бор", "Тенгдош маслаҳати" руқ-сарлавҳа остида болаларнинг ўзлари-га оид таклиф ва мулоҳазаларни кенгрок бериб бориш билан бирга, турли қизиқар-ли тестлар, фан олимпиадалари фолиблар-нинг ютуқлари кўпчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳозирги кунда нашрнинг обуна орқали ти-ражи 6 мингташи ташкил этса-да, газетани олти минг нафардан ортиқ бола ўқийди, деб бемалол айта оламиз. Албатта бу кўрсаткич жуда кам. Ахир газета кириб борган синф-да, хонадонда уни барча болалар мутлола қилиши табиий ҳол-ку. Бунга мактаб ўқув-чиларнинг ўзлари, ота-оналар, ўқитувчилар, адабиёт тўғарақлари раҳбарлари билан уч-рашув, суҳбатлар жараёнида яна бир қарра ишонч ҳосил қилганми.

Сир эмаски, бугунги кунда бола биринчи синфга ўқиб, ёзишдан хабардор бўлиб бор-моқда. Газета материалларини тайёрлашда айни жиҳатларга ҳам эътиборни қаратишга интиламиз. Материалларнинг ранг-барангли-гини таъминлашга, уларни фанлар билан боғлашга ҳаракат қиламиз.

Ўтган йиллар давомида газетанинг тира-жи 100 минг бўлгани ҳолда, бу йил унинг адади кескин түшиб кетгани албатта афсу-сланарли. Баъзан буни мажбурий обунага бар-ҳам берилиши билан ҳам боғлайдилар. Лекин шунга аниқ айтиш мумкинки, болалар барибир газета ўқишни астойдил хоҳлайди.

КИТОБХОНЛИК САОДАТИ

Яна ўша қадимги мавзуси дейди айримлар. Аммо китоб ўқимай қўйиш, қадимнинг эмас, бугуннинг мавзуси. Чунки бундан нари борса 20 йиллар муқаддам ҳамма китоб ўқирди. Маълумот олишнинг ягона йўли – китоб ўқиш эди. Бундан ўзга шаклда маълумот – ахборот олишнинг имкони бўлмагач, сўзсиз китоб ўқишлар, қидирилаётган мавзуда китобларгагина мурожаат қилинарди. Талабаларни-ку қўяверасиз, айниқса имтиҳон олди барча талабаларни фақат кутубхоналардан топиш мумкин эди...

Аммо... бугун-чи? Ҳеч иккиланмай айбни бугуннинг ёшларига тўнқасак, биз бугуннинг катталари ноинсофлик қилган бўламиз.

Негаки, биз ёшлар қалбида мутлола завқини уйғотолмаеп-миз. Уларни бадий диди шаклланишига кўмак беролмаеп-миз. Бизда том маънода маънавий учун фидойийлик етиш-майди. Турли баҳоналарни қалаштириб ташлаймиз. Аммо ҳа-қимизда бир нақл бор: "Чини билан ойлагас – сўқир кўздан ёш чиқар". Ҳар бир ўйда, ҳар бир оилада ота-она катталар шу ўйдаги ёшларнинг маънавий олами учун масъул. Ҳўш, ўша масъулиятни ҳар бир ота-она тўлиғича ҳис қиляптими?

Ҳар бир мактаб ўқитувчиси ўз ўқувчиларининг маънавий-маърифий дунёси учун масъул.

Негаки, ўқитувчилик нонини ҳалоллаб ейиш учун шунда-ки, 45 минут дарсни, олса олар, олмас олмас, деб ўтиб кетишининг ўзи қайсидир маънода ўқитувчилик касбига хиё-натга ўқшади. Чунки ўқитувчининг вазифаси энг аввало ўқув-чиларни ушбу дарсга қизиқтириш, том маънода ўтаётган фан-ни севадирини ва болалар уни тинглайдиган ҳолга келгандан кейингина дарсни бошлашдир.

Ўқувчиларнинг қалбида бадий адабиётни, мутлола завқини, муҳаббатини уйғота оладиган муаллимлар қамайиб кета-ётганига ўқшади назаримда.

Ушбу саволлар ва мулоҳазалар билан "Абдулла Авлоний" номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва ма-ласини ошириш институти, "Масофадан ўқитиш" маркази директори Аброржон Жумабоев билан учрашдим. Андак му-лоҳаза бор эди. Бугунги кун ўқитувчиларининг ўзида китоб-хонлик даражаси қай ҳолатда. Уларнинг китобга бўлган му-ҳаббатини, тезкор ахборотлар асрининг жадаллиги сўндир-мадиммикин.

Кўнглимдаги фикру-мулоҳазаларимни Аброржонга тўкиб солдим.

– Сиз нима дейсиз Аброржон, бугунги кун устозларнинг кўнглида китобга бўлган қайноқ муҳаббатини ҳис қилдингиз-ми?

– Саволингиз ўринли ва аини чоғда оғир, яъни китобхон-лик даражаси ёшларда эмас, уларнинг тарбиячилари бўлиши катталарда қанақа деб дадил ва қайсидир маънода, "қитми-рок" бир шаклда сўрамоқчисиз.

Энди бевосита жавобига ўтсам. Бу ҳалат ҳаммада ҳар хил. Чунки ушбу саволингизга умумий ҳолда жавоб бериб бўлмай-ди. Негаки, кимдир ҳақим яхши китобларни кўрса, яқин қадрдонини кўргандай юраги "жиз" этиб, мутлолага муқасси-дан кетади. Кимдир эса шунчаки бир қараб қўйди. Кимдир эса ўша бир қараб қўйишнинг лозим топмайди.

Тўри, сиз ҳақсиз, аммо мен бугун ёшлар орасида, ум-ман жамиятимизда китобга бўлган муҳаббатнинг бир қадар сусайганини ҳисобга олиб берялман бу саволини.

Халқимизда: "От ўрини той босар" деган доно нақл бор. Бугуннинг ёшлари ҳам осмондан тушмаган-ку ахир. Улар мана шу китобларни ёзган, дунёга ўзининг тафаккури билан доврў солган даҳоларнинг авлодлари-ку. Демак, бир кун келиб ёшларимиз янада шиддат, меҳр ва эътибор билан китобга боғлиқликларида умиддор бўлсак бўлади. Сиз айт-моқчи бўлаётган масаланинг ориқри жиҳатига тўталсам. Яқин-да институтимизда "Янги замон раҳбари" танловини ўтказдик. Танлов жуда кўтаринки ва қизгин руҳда ўтди. Унда республи-камизнинг турли ҳудудларидан келган ўқитувчилар ижодий, интеллектуал, раҳбарлик салоҳиятларини намоён қилдилар. Ушбу интеллектуал салоҳият уларнинг китобхонлик даража-сига қараб белгиланди. Ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг ахборот ресурс марказига қабул қилинган ҳар бир китобни ўқиб чиққан, улардаги мавзуларни ўз билим манбаига айлантирган мактаб директорларини кўриб, бу таш-вишларининг ноирин эканлигини таъкидламоқчиман. Чунки улар етакчилик қилаётган ўқув масканларида ҳам ушбу китобхон-лик руҳияти албатта акс этади.

"Гуруч кўрмакисиз бўлмаганидек" бу борада шунчаки вақт ўтказётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Лекин улар кўпчиликни ташкил қилмайди. "Оммавий маданият", "Ғарбона глобалла-шув" сингари эпидемияларга қалинган айримлар ҳамма дав-рларда бўлган. Аммо уларнинг тор ва саёз дунёқарашига ҳамма учун мезон бўлавермайди-ку!

Ишонаверинг, бугун ҳам кўзлари ёшланиб Қодирийнинг "Ўткан кунларини", Чўлпоннинг "Кеча ва кундузи"ни, Чингиз Айтматовнинг "Алвидо Гулсари"сини ўқийётганлар бисёр. Ки-тоб билан суҳбатлашиб, диллашиб унинг бепеён оламига



ғарқ бўлаётганлар талайгина. Фақатгина уларнинг ҳаяжонла-ри худди XXI аср шовқинлари орасида қўмилиб кетаётгандек туюлса-да, лекин дилларни аллагағувчи майин эпкиндек та-ралиб турибди.

Бизда малака оширган барча халқ таълими ходимлари шу нарсани аниқлаб етдиларки, бугун ёшлар билан ишлаш осон эмас. Чунки улар кечаги ёшлардан тубдан фарқ қилади. Са-баби, уларда танлаш имкони кўп. Чунки юзлаб оммавий ах-борот нашрлари, телевидения, радио ва интернет матери-аллари бор. Ранг-баранг ахборотлардан озиқланаётган бугун-нинг ёшларини ўзининг ўқималардан нарсаларга қизиқтириб, ўзининг ҳис қилмаган тўғўларга асир қилиб бўлмайди. Сиз айтмоқчи бугуннинг ёшларида китобга бўлган муҳаббат ва эътиборни тарбиялаш, нозик ва теран бадий дидни шакл-лантириш биз катталарнинг келажак олдидаги бурчимиздир.

Одамни бевосита ҳаётга, тушуқчиликка боғлаб турадиган те-ран томилари бўлади. Ана шу томиларнинг унинг у эканлигини таъминловчи ўқ илдизлари эканлигини аниқлаб етиш учун ҳам инсон китобхон бўлмоғи, ҳеч бўлмаса умрида битта китобни охиригача қалби, қўли дили очилиб мутлола қилган бўлмоғи лозимдир. Ана шу ботиний тушуқчаларни ёш авлод руҳиятига синдириш эса том маънода катталарнинг ота-она ҳамда устоз – мураббийларнинг жамият олдидаги масъулиятидир.

Қадимда бир доғимданнинг олдида бир ота ўз ўглини етаклаб келиб, ўғлининг жуда кўп меъридан ошқ хурмо ейишидан шикоят қилиб, ўғлига насиҳат қилиб, хурмо ей-ишни қамайтиришни айтмоғи қамайтиришни доғимдан ўйлаганча ота-боллага тиқилиб 40 кундан кейин келишлари-ни айтибди.

Орадан 40 кун ўтгач, келган ота-болани қабул қилган до-ғимдан ўғлига қараб: "Хурмони камроқ енг ўғлим" дебди. Бу гапдан сўнг ота: "Нега шу гапни 40 кун аввал айтиб қўя қолмадингиз, шу бир оғиз гап учун 40 кун куттириш шарт-ми?", дея доғимданнинг маломат қилмоқчи бўлганда до-ғимдан: "У вақтда ўзим ҳам хурмо едим", дея жавоб бе-рибди. Яъни, қиссадан ҳисса шуки, энг аввало бировга та-всия қилаётган нарсани одамнинг ўзи қатъий амал қилмоғи, уни ҳаёт тарзига айлантиришга ва ундан кейингина бошқа-ларга ўчини беролган бу насиҳат ўзининг самарасини бе-ришдаги ўшбу ривоятда нақл қилинган. Шу сабабли биз бу-гун ўғилларимиздан, қизларимиздан талаб қилаётган китоб-хонликни энг аввало ўзимиздан бошлашимиз керак. Сизга ҳам мурожаат қиламан, азиз ўқувчи. Сиз-чи? Сиз бугун ҳам энг яхши кўрган китобларингизни ҳаммадан ашириб, ҳамма-дан авайлаб, йўқотиб қўйишдан қўрқиб, ёстигингиз тағида саклаясизми?!

Бугун ҳам ҳеч қимга айтолмаган юрагингизнинг туб-туби-да ётган, ҳатто ўзингиздан ҳам қизғондиган сирларингизни китоб қахрамонлари билан хаёлан суҳбатлашиб пичирляя-сизми?!

Бадий дидингиз омонми? Унутманг ўз бадий олами-ни асраш, уни ҳар хил мавсумий бўронлардан ҳимоя қилиш бу ҳар бир кишининг ўз бурчидир. Ўз маънавий дунёси, руҳий олами олдидаги бурчидир. Ушбу бурчингизга қанчалар со-диксиз. Ўз-ўзингизни тафтиш қилинг-да, кейин ёшларнинг нега китобга бемехригини таҳлил қилинг. Шунинг билан, болангиз, шогирдингиз айтганингизни эмас, қилганингизни қилади.

У. ЧУТБОВ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ЯНГИ ТАЪЛИМ ГРАНТИГА ЖАЛБ ҚИЛИНДИ

Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури грант шартномасига мувофиқ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети "MechaUZ: Инновацион ғоялар ва рақамли технологиялар асосида "Мехатроника ва робототехника" бакалаврият таълим йўналишини модернизация қилиш" халқаро лойиҳаси ижроси сифатида ўз фаолиятини бошлади.

Университетдан олинган маълумотларга кўра, лойиҳани 2020-2022 йилларда амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, у мамлакатимиз олий таълим муассасаларидаги "Мехатроника ва робототехника" бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашнинг жорий ҳолатини ўрганишни кўзда тутган. Шунингдек, янги таълим йўналишларини очиб ҳамда замон талаблари асосида мавжудларини модернизация қилиш, ўқув лабораторияларни замонавий моддий-техник ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Лойиҳада юртимиздаги олий таълим муассасаларида механика ва робототехникага ихтисослашган ўқитувчилар учун янги ўқув курслари ва тренинглари ташкил этиш ҳам белгиланган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш доираси-да жорий йилнинг 10 февралдан 14 февралга қадар Грециянинг Шеффилд универ-ситети (University of Sheffield)да ҳамкорлар-нинг илк учрашуви бўлиб ўтган ва унда Ев-ропа ва мамлакатимизнинг 6 тадан универ-ситети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари иштирок этган эди.

Роман БОНДАРЧУК

Реклама ва эълонлар

"Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадас-три" ДК томонидан Юнусобод тумани, 8-мавзе, 2-уй, 76-хонадон эгаси Юлдашева Курбанбиби Абдула-ходовага тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари йўқол-ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар кол-лежи томонидан Фуломов Иззатбек Исрол ўғли номи-га 2019 йилда берилган К № 5774604 рақамли дипло-ми йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"РАХМАТУЛЛАЙЕВА ДИЛОРАМ ЗОХИТОВНА" ЯТТ (СТИР 618225198)га тегишли бўлган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан 1998 йилда Сатарханов Восит Абдуганиевич номига берилган № 203391 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент иқтисодий коллежи томонидан Боходир-ров Жавоҳирбек Боходир ўғли номига 2019 йилда берилган К № 577553 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 249-сонли уму-мий ўрта таълим мактаби томонидан 2010 йилда Сай-далиходжаев Саидхорур Хуршидович номига берил-ган К № 4608991 серия рақамли (314-сонли рўйхат-га олиш тартиб рақамли) 9-синфини тамомлаганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Жаҳон тиллари университети қошидаги 1-сонли академик лицейи томонидан 2012 йилда Abdulkhorov Botirjon Boburjon o'g'li номига берилган L № 155091 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олмазор туманидаги 224-умумий ўрта таълим мак-таби томонидан 2006 йилда Холмухамедов Сунна-тилла Баратиллаевичга берилган U № 2280094 ра-қамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОКШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗА МУҲБИРИ

Назокат УСМОНОВА

суҳбатлашди

"БАҲОР НАФАСИ"

Пойтахтимизда Сирдарё вилоятининг жамоатчилик асосида тузилган "Навқирон ёшлар" симфоник оркестрининг "Баҳор нафаси" деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2017 йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан ўтказган учрашувда белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси юзасидан Сирдарё вилояти санъатини ривожлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда ёшларни ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг иқтидор ҳамда истеъдодини рўйбга чиқариш, ўз салоҳиятини кенг намойиш қилишига имконият ва шароитлар яратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон давлат филармониясининг Сирдарё вилояти бўлинмасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон давлат филармонияси Сирдарё вилояти бўлинмасида жамоатчилик асосида тузилган "Навқирон ёшлар" симфоник оркестри 2019 йил май ойида ташкил этилган бўлиб, мусиқа йўналишидаги нуфузли таълим муассасаларида тахсил олаётган ҳамда ижодий жамоаларда меҳнат қилаётган элик нафарга яқин ёш созандадан таркиб топган. Ижодий жамоанинг илк дебют чиқиши 2019 йил 17 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги "Туркистон" саройида ўтказилган эди.

Ўзбекистон давлат филармониясининг "Мусиқа саройи"да бўлиб ўтган навбатдаги "Баҳор нафаси" номли концерт дастури ҳам ёшлар ўртасида миллий ва жаҳон мумтоз мусиқа санъатини кенг тарғиб этишдек мақсадларни кўзгалари билан аҳамиятли бўлди.

Мусиқий кечадаги хор жамоалари, яққол опера ижрочилари томонидан ижро этилган миллий ҳамда жаҳон мусиқа санъатининг энг сара асарлари барчага манзур бўлди.

ЎзА



МАТОЛАРДА АКС ЭТГАН ТАБИАТ

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида миллий матолар устаси, моҳир ҳунарманд уста Расулжон Мирзааҳмедов ижодига бағишланган "Матоларга акс этган табиат" номли кўргазма ўтказилмоқда.

Мазкур кўргазма ўзбек халқининг бой мероси, урф-одат ва анъаналари ҳамда маданиятини кенг оммага тарғиб этиш, шунингдек, миллий ипак матоларини ишлаб чиқиш жараёнини кўрсатишга йўналтирилган билан аҳамиятлидир.

Бу ердаги камалакранг матолар марғилонлик уста Мирзааҳмедовлар сулоласининг тўққизинчи авлоди вакили, Ўзбекистон халқ устаси Расулжон Мирзааҳмедов устасида ижод қилган. Уста 1995-96 йиллар давомида Бухоро шаҳрида "Тим Абдуллаҳон" маданий мерос объектида Бухоро адреси тўқийдиган устасида ишлаб, XX аср аввалида тўқилиш техникаси йўқолиб кетган "Аъло баҳамл" матосини қайта тиклади. Бу мато Жаҳон ҳунармандлар кенгашининг Осиё ва Тинч океани минтақаси ҳунармандлари кўриктанловининг финал босқичида 2-ўринга муносиб топилган.

Уста 2006 йилдан Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган Бойсун ҳунармандлари марказидаги тўқимачилик устaxonасида Бойсуннинг "Жанда" ва "Тик" мато нусхаларини, гиламчилик устaxonасида "Оқ-эн" ва "Тақир" гилам нусхаларини, каштачилик устaxonасида миллий дизайнлар асосида табиий рангларда "Сўзана", "Ойна халта", "Бўғжом", "Зардевор" каби кашталарни тиклаш лойиҳаси раҳбарлиги сифатида фаолият юритди. Эгару иш баҳона ушбу марказда 38 иш ўрни яратилди.

Р.Мирзааҳмедов 2009 йил Афғонистоннинг Кобул шаҳрида ташкил этилган семинар-тренингда қатнашиб, афғон ҳунармандларига тўқимачилик ва матога гул солиш жараёнини ўргатди.

У 2011 йил март ойида бўлиб ўтган

"Ташаббус – 2011" республика кўриктанлови Фарғона вилоят босқичида ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади ва республика кўриктанловига йўлланма олди. Мамлакат миқёсидаги беллашувда эса "Энг яхши оилавий бизнес" номинацияси бўйича голибликни кўлга киритишга муваффақ бўлди.

Кўли гул уста миллий ҳунармандчиликка оид "Марғилон замини жаҳоирлари", "Табиий ранглар технологияси" ва бошқа китобларнинг нашр этилишида фаоллик кўрсатди. Ҳозирда эса у "Ўзбек миллий чигарлик санъати" китоби устиде ишламоқда. Р.Мирзааҳмедов ижод намуналари жаҳоннинг кўплаб номдор давлатларида ўтказилган халқаро ҳунармандчилик кўргазма-ярмаркаларида муваффақият қозongan.

ЎзА



ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Аҳмоқ билан кулишгандан, ақлли билан урушган маъкул.

Аҳмоқлик ва такаббурликнинг илди-зи битта.

Аҳмоқ айблайди, доно ўйлаб кўради.

Ақл бўйга боғлиқ эмас.

Ақлли бошнинг оғзи юмук.

Ақлига бир имо кифоя, аҳмоқни туртсанг ҳам фаҳмламайди.

Ақлнинг олдида, аҳмоқнинг орқасида юр.

Ақлли одам дунёга мослашади, ақлсиз – дунёни ўзига мослаштиришга уринади. Шунинг учун тараққиёт ҳамиша ақлсизларга боғлиқдир.

Бернард Шоу

Аҳмоқ "енгаман", доно "йўл берман" дейди.

Ачинишдан кўра ҳасадга учраган яхшироқ.

Бахт дўст ҳада эстади, бахтсизлик уни синаб кўради.

Бахт қувноқ дарвозадан киради.

Бахтсизга бахт келтиришдан зиёд бахтиёрлик бўлмайди.

Бахтсизлик ўзига эшик очганикига киради.

Безбетга қошиқ берсанг, бир ўрнига беш ошар.

Бекор ўтиргандан бекор юрган яхши.

Боринг тугайди, билганинг туради.

Бизнинг шухратимиз ҳеч йиқилмаганимизда эмас, балки ҳар гал йиқилганда ўрнимиздан тура олганимиздадир.

Конфуций

Билимни елкада кўтариб юришмайди.

Бирданига икки йўлдан юрмоқчи бўлган албатта қоқилади.

Бировга ёрдами тегмаган, бошқадан нажот кутмасин.

Тўпловчи Эркин ЭРНАЗАРОВ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

7-12 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 12-14, кундузи – 20-22 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 18 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаарини бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, инфоляцияни даражаси наст бўлади.

Тошкент шаҳрида 18 март куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Шарқдан гарба йўналишини ўзгартирган шамол секундида

Табиат тухфаси

ГУЛЛАР МАЛИКАСИ

Ўлкамизни хосиятли гуллар маскани сифатида таърифлашади. Гул ва чечаклар даврасида атиргулнинг ўз жазибаси ва мафтункор кўриниши, одамни муаттар ҳиди билан ром этувчи хислатлари мавжуд. Атиргул ҳаёт, висол ва гулгунлик рамзи. Гуллар маликаси атиргулни қанчалик эъзозласанг арзийди. Ўзбекистон дёнри ер куррасига ўзининг ранго-ранг гулчамбарини кўз-кўз қилишининг боиси ҳам бор. Бизда етиштирилаётган атиргуллар номдор Дамашқ атиргулидан юз чандон гўзал ва нашъали.

Атиргул нафақат зиёнатбахш, муаттар ҳидли гулгина бўлиб қолмасдан балки шифо ато этувчи ўсимликдир. Атиргулнинг дориворлик хусусиятларидан милоддан олдин ҳам фойдаланиб келинган. Ҳақиму ҳоziқ Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китобининг иккинчи жилдида атиргул тўғрисида шундай дейилган: атиргул гулбарглари кайнатиб, сиқмай ишларга боғланса, уларни қайтаради, самарасининг тузалишига ёрдам беради. Атиргул ва узум шарбати қайнатилиб суртилса милкларни мустаҳкамлайди, қулоқ оғриғига даво бўлади. Асал билан тайёрланган гул мураббоси меъдани сувайтирмайди, жигарга ором бағишлайди, овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Атиргул Шарқ халқлари табиатида қадимдан кенг миқёсда кўлланилиб келинган. Бу ўсимликнинг гулбаргларида гулқанд, гулмураббо, гулоб, гулмой тайёрланган. Гулқандан сурункали ва ўткир йўтал, бедармон-

лик, камқонлик, офтоб урганида ва бемаврид ич кетишида даволочки, ишончли восита ҳисобланган.

Кейинги пайтларда илмий тибда атиргул мойининг шифобахшлик хусусиятлари атиргулчиликка ўрганилмоқда. Бу борада болгариялик олимлар бир қатор ижобий натижаларга эришдилар. Улар атиргул мойи шамоллаш билан боғлиқ йирингли касалликларга, ўпка илғиланишига (абцесс) ва қорасон (гангрена) дардида ижобий таъсир этишини ҳамда бу касалликлардан аъзоларни муҳофаза этишини аниқладилар. Атиргул яна бир ўзига хос хосиятларидан бири — шиллиқ пардаларни ташқи таъсирдан, бронх мушакларини тириштирдан (спазм) сақлайди. Болгарияда атиргул мойидан бронхитал астма ни даволашда кенг фойдаланмоқдалар.

Шифокор олимлар бўлмиш Д.Иорданов, П.Николов ва А.Бойчиновларнинг берган маълумотларига қараганда, нуқранор-оқ атиргулнинг гул барглари тарки-

бидаги қатрон (смола), шиллиқ моддалар ва ички юмшатувчи ва гижжа ҳайдовчи хусусиятларига эга бўлса, қизил-алвони атиргул ўзининг таркиби билан оқ атиргулдан ажралиб туради. Унинг гулбаргларида катехин, кварцетин, цианин каби моддалар мавжуд. Мазкур моддалар ўз навбатида дизентерия, меъда ва ичак йўллари ялиғланишида даво ҳисобланади. Қизил атиргул мойидан томоқ оғриғини (ангина) милкларни даволашда ишлатилади.

Атиргулдан уй шароитида доривор тайёрлаш мумкин. Қизил атиргул гулбарглидан эзилган 5-10 грамм суюқлик 2 стакан қайноқ сувга дамланади. Бу дахлама катталар учун бир кунлик меъёр бўлса, болалар учун икки кунлик меъёрдир.

Атиргул мойи хушрўйлаштирувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш саноатида жуда қимматбаҳо маҳсулот ҳисобланади. Бир килограмм атиргул мойини ҳосил қилиш учун кўрайиб 500 кг. тожбарглари сарфлашга тўғри келади.

Ҳозирда айни атиргулларни экиш пайти. Гуллар маликаси бўлмиш атиргулнинг талайгина навларидан "Мерседес Мендоза", "Малика Лилиана", "Баққара", "Алишер Навоий", "Нигрет" навли атиргуллар ўзларининг қизил-алвон кўриниши билан одамларни маҳлиё қилмай қўймайди: заъфарон-сарик ранглилари бўлмиш "Наргиза", "Глория дей", "Миранди" навлари ўзининг ял-ял кўриниши билан мафтун этмай қўймайди: атиргулнинг оқ-нураранг навлари бўлмиш "Паскели", "Оқф чинни"лар ошённингизни баркут либоси билан яшатиши мумкин. Барча гулу чечаклар қатори атиргуллар ўз кўрки, мушки-амбари билан барчани хушнуд этсин.

Н.ЖАЛОЛОВА тайёрлади

НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Қиз ҳужжат топширилганини айтди. Оқил унга институтга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш тўхтатилганини, агар хоҳласа "А.Н.Косигин" номидаги Россия Давлат университети билан Ўзбекистон ҳамкорлигида очилган қўшма факультетга ўқишга топшириши мумкинлигини таъкидлади.

Орадан бироз вақт ўтиб, Ҳилола Оқилнинг олдида келиб, ҳужжат топширилганини, "Мирзаёр" исмли ходим билан гаплашганини, "Мирзаёр" унга қозога "5" деб кўрсатиб, шу суммага хал қилса бўлади" деб айтганини унга маълум қилди.

У бу қизга бу масалада аралашмаслигини айтди. Ҳилола уни олдида 1-2 мартаба келиб, Туркияга кетаётганлигини, кетишидан олдин жиянини қўшма факультетга ўқишга киритиш масаласини хал қўлиб кетиши кераклигини, бунда унга ёрдам беришини сўраб келаверди. Лекин унинг рад жавобини берди.

Июль ойининг охирида унга қўшма факультетга ўқишга кирувчиларни ҳужжатларини қабул қилишга масъул бўлиб ишловчи Мирзаёр Алиев олдида келиб-кетилиши сўради.

Мирзаёр унга Ҳилола тез-тез кўнғирок қилиб, жиянини ўқишга киритиш масаласи-

ни хал қилиб беришини сўраётганлигини, телефонда "5000 АҚШ доллари бераман ёки ундан кўпини ҳам беришим мумкин" деб тақлиф қилаётганлигини, шунинг учун у кизга бошқа бу масалада кўнғирок қилмаслигини тайинлаб қўйишини илтимос қилди.

Шундан сўнгу Ҳилолага кўнғирок қилиб, бунақа гапларни гапирмаслигини тайинлади. 7 август куни Ҳилола яна унга кўнғирок қилиб, яна қайсидир чет давлатига кетаётганлигини, кетгунига қадар ишни хал қилиб кетиши кераклигини, унга ёрдам беришини сўрайверди. У билан СМС орқали гаплашди. Шунда Оқил унга, қўлидан келса, ёрдам беришини, лекин ҳозир имтиҳонларни ким олиши, қандай олиши номаълум эканлигини, бу фақат 10 августдан кейин маълум бўлишини, ҳозирча 3500 АҚШ долларини кетгунича унга бериб кетишини СМС орқали ёзиб юборди.

Ҳилола 8 август куни Оқилга кўнғирок қилиб, пулни олиши билан олдида келишини таъкидлади.

Ҳилола эртаси куни унга кўнғирок қилиб, пулни олганлигини, олдида келаётганлигини айтди. Соат тахминан 17.00 ларда қиз унга кўнғирок қилиб, институт олдида кел-

ганлигини таъкидлади. У Ҳилолага олдида чиқишини айтиб, ташқарига чиқди. Ҳилола бир ўзи турганлигини кўрди. Унга бошқарувчидаги машинага ўтиришини айтди.

Машинага ўтирганида, унга қиз бири 100 АҚШ доллар купюрадаги пулларни бериб, бу ерда 3500 АҚШ доллари эканлигини, пулларни санаб олишини айтди.

Оқил пулни санашдан олдин, у ерда яна қандай купюрадаги доллар борлигини кўраётган вақтида, Ҳилола кимгадир кўнғирок қилиб жиянини ўқишга кириш билан таъриқлаётганлигини айтди. У кизга хали таъриқлашга эрта эканлигини, кириш масаласи хал бўлмаганлигини айтсада, у телефон орқали кимгадир "табриқлайман" деяверди. Шу вақтда Ҳилола машинадан тушиб, эшикни ёпмасдан кетиб қолаётган вақтида, у нима бўлаётганлигини туюнуб, орқасида пулларни отиб юборди. Шунда олдида бир гуруҳ фуқаролик кийимидоги шахслар келишиб, ўзларини иқтисодий жиноятларга қарши курашаётган Тошкент шаҳар департаменти ходимлари деб таништиришди ва ундан пулни олган ёки олганлигини сўради. У пулни олганлигини, кейин машинадан ташқарига отиб юборганлигини айтди.

Суд Оқил Холбоевга 2 (икки) йил муддатта Олий таълим вазирлиги тизимида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатта ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

"Ноқонуний иш — бошга келтирар ташвиш" деб шунга айтсалар керакда.

Муродулла ТУРСУНМЕТОВ, Бош прокуратура бошқарма прокурори

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшларлар (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзили: gazeta-vto@mail.uz

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 1210 нусхада босилди. Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.45